

CH<sub>3</sub>

LOREM IPSUM

LOREM IPSUM

ISSN: 2181-3310

# MUTAFAKKIR

Scientific Journal / Научный журнал / Илмий журнал

№ MUTAFAKKIR 2024, YANVAR



**Bosh Muharrir:**  
Shohinur Mirzayev

**Tahrir hay'ati**  
Baxtinur Xudanov  
Akbar Elmurodov  
Shuhrat Ziyadullayev  
Muxtor Xudoyqulov  
Ulug'bek Vohidov  
Murod Abulkasimov

**ALISHER NAVOIY  
NOMIDAGI O'ZBEKISTON  
MILLIY KUTUBXONASI**

Kitob va turkum  
nashrlarga ISBN va ISSN  
raqamlarni birlashtirish  
to'g'risida

**MA'LUMOTNOMA**

Turkum nashrlarning chiqish ma'lumotlarini GOST 7.4-95 «Nashrlar. Chiqish ma'lumotlari» hamda GOST 7.56-2002 «Xalqaro standart turkum raqami» davlatlararo standartlar talablari asosida bo'lishini to'liq ta'minlash maqsadida, Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi va «Mutafakkir» 1ta 2022 yil 11-apreldagi № ISSN-C-35583 sonli hisob-kitob shartnoma va 2022 yil 19-aprel yildagi № ISSN-I-35583 schet-fakturaga asosan turkum nashrlarini ISSN bilan belgilash uchun quyidagi raqamni taqdim etadi:

Turkum nashrning nomi:  
Mutafakkir  
ISSN raqam: 2181-3310  
Turkum nashrlarning turi:  
elektron nashr

Ushbu jurnal O'zbekiston Respublikasi Oliy Attestatsiya komissiyasining ilovasida mavjud bo'lgan xalqaro indeksatsiya **index copernicus** bazasiga kiritilgan. OAK ilmiy nashrlarda chop etilgan maqola sifatida qabul qilinadi.

Asos: O'zbekiston Respublikasi Oliy Attestatsiya komissiyasining dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxati

<sup>1</sup> Maqola chop etilgan paytda xalqaro miqyosda faoliyat kўrsatadigan kuyidagi ilmiy nashriyotlar e'ki ma'lumotlar bazasi asosida «implyak-faktor»ga e'ga b'ulgan ilmiy jurnallarda nashr etilgan maqolalar mazkur R'uyxat tarkibiga kiritilgan ilmiy jurnallarda chop etilgan ilmiy maqolalar sifatida qabul qilinadi: (1) Web of Science (Web of Knowledge), (2) Journal Impact Factor, (3) Scopus, (4) Journal Citation Reports, (5) Global Impact Factor, (6) International Impact Factor Services, (7) Agris, (8) Chemical Abstracts CAS, (9) GeoRef, (10) PubMed, (11) Springer, (12) Index Copernicus, (13) Bielefeld Academic Search Engine, (14) ResearchBib, (15) Directory of Research Journals Indexing, (16) Directory Indexing of International Research Journals-CiteFactor, (17) Open Academic Journals Index, (18) Ulrich's Periodicals Directory, (19) Scientific Indexing Services, (20) General Impact Factor, (21) InfoBase Index, (22) International Society for Research Activity, (23) Scientific Journal Impact Factor, (24) Scientific Research Publishing Inc, (25) Directory of Open Access Journals, (26) Academic Journals Database, (27) Academic One File, (28) Advanced Science Index, (29) Anthropological Index Online, (30) Anthropological Literature, (31) Anthropology Plus, (32) Asian Education Index, (33) Bibliography of Asian Studies, (34) Compendex, (35) CrossRef, (36) HINARI, (37) Hindawi, (38) Libraries Resource Directory, (39) Impact Factor Search, (40) ResearchGate, (41) SCImago, (42) Scisearch, (43. z/x) Universal Impact Factor.

Shuningdek, ja'xonning ikki yuzta eng yaxshi oliy ta'lim muassasasi r'uyxatidagi oliy ta'lim muassasalari tomonidan chop etilgan ilmiy ishlar va maqolalar t'uplamida nashr etilgan ilmiy maqola (material)lar mazkur r'uyxatga kiritilgan ilmiy nashrlarda chop etilgan maqolalar sifatida qabul qilinadi.

## АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИОН МАҲСУЛОТЛАРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ – КЕЛАЖАКДАГИ ФОЙДА ОЛИШ АСОСИДИР

Назарова Умида Авазовна

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар  
ҳалқоро маркази тадқиқотчиси

*Аннотация.* Мақолада аграр соҳада инновацион маҳсулотларни муваффақиятли тижоратлаштиришининг долзарблиги асосланган. Инновацияларни тижоратлаштиришига нисбатан турли ёндашувлар тадқиқ этилган. Инновацияларни тижоратлаштириши усуллари асосланган.

*Калит сўзлар:* фан, техника, илмий-техник тарақиёт, технология, инновация, стратегия, интеллектуал, тижоратлаштириши, қишлоқ хўжалиги, бозор.

*Аннотация.* В статье обоснована актуальность успешной коммерциализации инновационных продуктов в аграрном секторе. Исследованы разные подходы на коммерциализацию инноваций. Обоснованы методы коммерциализации инноваций.

*Ключевые слова:* наука, техника, научно-технический прогресс, технология, инновация, стратегия, интеллектуальный, коммерциализация, сельское хозяйство, рынок.

Ҳозирги даврда аграр соҳани ривожлантиришдаги асосий стретегик йўналиш – бу фан-техника ютуқларини, илмий-техник тарақиёт ва инновацион маҳсулотлар натижаларини тижоратлаштиришдан иборат. Биз биламизки, фақат қишлоқ хўжалигида эмас, бошқа соҳаларда ҳам инновацион фаоллик ортиб бормоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси”ни жорий этилишида, интеллектуал салоҳият ва инновацион фаолият орқали олинаётган натижалар катта аҳамиятга эга деб биламиз. Чунки, илм-фан, техникавий натижалар замон талаби бўлиб бормоқда. Агросаноати кархоналарини хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баравар ошириш қишлоқ хўжалигининг олдида турган асосий масалалардан ҳисобланади[1].

Барча тармоқларда замонга мосланган ҳолда, ривожланиб келаётган дунё цивилизацияси билан ҳамқадамлик қилиш ва сифатни таъминлаб беришда

инновацион ғоялар, инновацион илмий маҳсулотлар ҳамда янги технологияларга асосланган вазифаларни амалга оширилиши лозим бўлмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев **Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида ҳам “иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишга қаратилгандир” – деб таъкидлаб ўтди[2].**

Ушбу стратегияда илгари сурилган Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш, унинг жадал ривожланиши учун ютуқларни таъминлаш устувор йўналишлари, агар барча иқтисодий тизимларнинг фаол инновацион фаолиятига бурилиш бўлмаса, тўлиқ амалга оширилмаслиги мумкин. Бундай бурилиш, энг аввало, давлатнинг илмий-техникавий ва инновацион сиёсатини кучайтиришни тақозо этади.

“Замонавий дунёда интеллектуал маҳсулотнинг тижоратлашуви, фан ва техника ролининг тубдан ўзгариши сабабли ҳар бир давлат, шунингдек, алоҳида корхоналар даражасигача бўлган қуйи бошқарув даражасидаги структуралар бозор шароитларида илмий-техник ва инновацион фаолиятга ресурслар ажратиш, бу фаолият натижаларини амалга оширишга ўз муносабати ҳақидаги тасаввурга эга бўлиши, яъни мамлакат, минтақа, ташкилот ва алоҳида шахснинг белгиланган ижтимоий-иқтисодий мақсадларига самарали эришиш имконини берадиган ўз инновацион сиёсатини ишлаб чиқиши лозим”[3].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида ҳам “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан

инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак” - деб таъкидланган[4].

Инновацияларни тижоратлаштиришга нисбатан турли ёндашувлар мавжуд. Инновацияларни тижоратлаштириш деганда, биз энг авалло инновацион махсулотни тижоратлаштиришда, тажрибалардан келиб чиқиб ишлаб чиқариш буртмачиларига янги ғоя, янги махсулот тақдим этишда комплекс равишда қараш ва янги технологиялар, маълумотларни тарқатиш орқали фойда олишни тушунамиз.

Тижоратлаштириш – тижорат фаолияти натижаси билан белгиланади. Бу фаолият махсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, савдо ва тижорат воситачилиги компонентларидир. Бунда иқтисодий муносабатлар бир-бири билан боғлиқ бўлган истеъмол трварлари ва ишлаб чиқариш воситалари давлат ёки хусусий мулк бўлиши мумкин.

Тижорат - бу товарлар (хизматлар, ишлар) айирбошлаш (сотиб олиш ва сотиш), тижорат фаолияти (тижоратлаштириш), товарларни (хизматларни, ишларни) сотиш ва сотиб олишни таъминлайдиган операциялар мажмуидир.

Кўпгина тадқиқотчилар таъкидлаганидек, «тижоратлаштириш» тушунчаси унинг мазмунига оид ҳуқуқий таъриф ва нашрларда билдирилган турли нуқтаи назарларга қарамай, ҳаётимизда тобора мустақамланиб бормоқда. Ушбу атамаларнинг маъносини назарий тадқиқотлардан тортиб, мутахассисларнинг амалий тажрибасигача кўриб чиқиш мумкин. Шубилан бирга, «тижоратлаштириш» таърифининг диққат марказида иккита атаманинг ўзаро боғлиқлиги, яъни: амалга ошириш ва тижорат, яъни тижорат асосида амалга ошириш тушунилади.

Умумий талқинда тижоратлаштириш деганда, даромад (фойда) олиш мақсадида яратилган махсулотни тижорат асосида турли йўллар билан сотиш тушунилади. Бунда биз илмий, илмий-тадқиқот, таълим, инновацион ва бошқа фаолият натижаларини тушунамиз, бу эса шунга мос равишда “илмий ва илмий-техникавий фаолият натижалари” атамасини фарқлашни назарда тутуди.

“Илмий-техникавий ишланмалар натижаларини тижоратлаштириш”, “Илмий-техникавий ишланмаларни тижоратлаштириш”, яъни инновацион жараённинг исталган босқичи натижаларини тижоратлаштириш атамалари инновациялар билан шуғулланувчи мутахассислар томонидан тобора кўпроқ фойда-

ланилмоқда.

Демак, аграр соҳада ҳам инновацияларни тижоратлаштириш - агар муваффақиятли бўлса, келажакдаги фойда олишда иштирок этиш асосида ушбу инновацияни амалга оширишни молиялаштириш учун инвесторларни жалб қилишдан иборатдир. Шунингдек, инновацион лойиҳани бозорга олиб чиқиш жараёни инновацион фаолиятнинг асосий босқичи бўлиб, ундан сўнг инновацион маҳсулотни ишлаб чиқарувчининг харажатлари қопланади ва уларнинг фаолиятидан фойда олади.

Қишлоқ хўжалида тадбиркорлик тузилмаларининг ўзига хос хусусияти сифатида шуни таъкидлаш керакки, юқори технологияли фермерлар инновацион бозорни қиммат тадқиқ қилиш нуқтаи назаридан инновацияларни тўлиқ тижоратлаштира олмаслиги, тезкор стратегияларни топа олмаслиги сабабли, ўз самарадорлигини йўқотиши мумкин.


Биринчидан, халқаро бозорларга чиқиш учун, бундан ташқари, кичик ишлаб чиқариш ҳажми туфайли харажатларни тежаш нуқтаи назаридан харажатларнинг ўзгаришига эришиш мумкин эмас ва ҳоказо. Иккинчидан, бу – кадрлар етишмовчилиги муаммоси, чунки тадбиркорлик тузилмалари учун кадрлар тайёрлашнинг мавжуд тизими юқори технологияли тармоқларнинг ўсиш суръатларига мос келмайди. Учинчидан, булар кичик инновацион натижаларни ўзига хос шартларини ҳисобга олмайдиган амалдаги қонунчиликнинг муаммоларига учраши мумкин.

Инновацион фермер хўжалиги зарур тажрибага ва сертификатланган ҳужжатларнинг барча тўпламига эга эмас, бу уларнинг давлат харидларига қўшилиш имкониятларини чеклайди. Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш одатий маҳсулот ёки хизматларни тижоратлаштиришдан сезиларли даражада фарқ қилади.

Қишлоқ хўжалиги учун эса инновацияларнинг самарадорлиги ва юқори аҳамиятини тан олишда, инновацияларни жадал ривожлантиришга ўтиш фаолиятни янги ҳуқуқий-иқтисодий механизмни яратишни тақозо этади.

Ҳозирги вақтда умумий қабул қилинган ҳуқуқий-иқтисодий механизмда қишлоқ хўжалигида инновацияларни тижоратлаштириш тушунчасини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожланти-

ришнинг иқтисодий механизмининг мазмунини ўрганиш унда бир қатор ташкилий, инструментал, услубий ва тартибга солувчи таркибий қисмларни ажратиб кўрсатишга имкон беради, уларнинг ҳар бири ўзига хос шакл ва ташкил этиш усулларини белгилайди ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида инновацион фаолликни рағбатлантириш, шунингдек ҳал қилиниши керак бўлган асосий вазифаларнинг йўналишларини жамлайди.



## 1. –расм. Инновацияларни тижоратлаштириш усуллари

Инновацияларни тижоратлаштириш бўйича хўжаликларда танлов мавжуд. Тижоратлаштириш усулини танлашдан олдин, ҳар бирини кўриб чиқиш, маълум бир вазиятга ва маълум бир лойиҳага энг мос келадиганини танлаш лозим.

Инновацион жараён икки даражада содир бўладиган жараёнларни ўз ичига олган кенг қамровли тушунчадир: хўжалик ва бозор. Инновацион жараённинг бир қисми инновацияларни тижоратлаштириш жараёни, даражасида амалга оширилади. Тижоратлаштириш инновация муваффақиятли амалга оширилган

хўжалик ва тижорат таъсирида юзага келган бўлсагина, содир бўлади. Тижоратлаштиришнинг тугалланган цикли натижасида инновациялар - бозорга олиб кириш нуқтасида содир бўлади. Шунга кўра, бозор даражасида инновация ўзининг ҳаётий циклида бир қанча аниқ босқичлардан ўтади. Инновацион жараённинг муҳим қисми бозор даражасида тижоратлаштириш жараёнининг изчил давоми сифатида диффузия ҳисобланади.

Бизнингча, қишлоқ хўжалигида инновацияларни тижоратлаштириш механизми деганда, ҳар бир тармоқ ўз функцияларини бажарадиган, инновацион маҳсулотларни етиштириш, қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатадиган инновацион жараёнларнинг ҳуқуқий-иқтисодий омилларини ўзаро бирлаштирувчи занжирлар мажмуидир.

Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги соҳаси фаолиятини тижоратлаштиришда бир нечта босқичда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, маҳсулотни бозорга йўналтириш;
- харидорлар ва маркетинг фаолияти соҳасида тадқиқотларни кенгайтириш;
- қишлоқ хўжалаги соҳасида илмий-тадқиқотларни ва лойиҳаларни амалга оширувчи тадқиқотчи ва изланувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;
- жаҳон бозорига чиқишда тадбиркорлар учун махсус платформа ташкил этиш ва унга аъзоликни ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Ҳозирги шароитда инновацион фаолият қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Мазкур омилдан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш мамлакатимизда агросаноат мажмуининг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ягона йўлидир.

Хулоса қиладиган бўлсак, қишлоқ хўжалигида илм-фан ва техника ютуқларини, технологияни бозорга олиб чиқишнинг ҳар бир босқичида вақт ва бошқа ресурсларни минимал йўқотиш билан ўзлаштириш муаммоси асосий масала бўлиб, кўп жиҳатдан фан ва ишлаб чиқариш ўртасида воситачи сифатида инновацион инфратузилмага боғлиқ бўлиб келмоқда.



**Фойдаланган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сонли Фармони.
3. Abdusattarova X.M. «Innovatsiya strategiyasi» - o'quv qo'llanma - T. TDIU, 2011. 5- b.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси –Т.: Ўзбекистон, 22.12.2017 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2019 йилдаги “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 9 мартдаги 133-сон қарори.
8. Дементьева А.К. “Формирование и реализация механизма коммерциализации результатов инновационной деятельности вуза”: диссертация кандидата экономических наук: Ульяновск 2018. С.224.
9. Гулямов У.Г. Қишлоқ хўжалигида инновациялардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати.// “Агро иқтисодиёт” журнали, №4. 2020. - Б. 65-67. (08.00.00; №25).

**TUG'MA YUQORI LAB VA TANGLAY KEMTIGI BO'LGAN BEMORLARDA  
KARIES KASALLIGINING VUJUDGA KELISH SABABLARI VA UNING DAVOSI,  
PROFILAKTIKASI****Avazova Shaxlo Nuridinovna****Alfraganus universiteti assistenti**

Аннотация. Туг'ма уқори лаб ва танглай кемтиги (TYLTK) касаллиги генетика, педиатрија, стоматологија ва умуман тиббиётнинг энг муһим муаммоларидан бири бо'либ қолмоқда. Туг'ма уқори лаб ва танглай кемтиги бо'лган болаларда оғ'из бо'шлиғ'ининг гигиеник ҳолати қониқарли эмас. Оғ'из бо'шлиғ'и гигиенасининг умонлиги тиш кариези ва парадонт касалликларнинг ривожланишида муһим рол о'йнаши ҳақида ишончли далиллар мавжуд Туг'ма уқори лаб ва танглай кемтиги билан бог'лиқ анатомик ва морфологик аномалиялар тиш узузасида бляшка то'планишига уордам беради. Шундай қилиб, TYLTK бо'лган беморлар оғ'из бо'шлиғ'и гигиенаси умонлашади ва кариез ва парадонтитга ко'проқ мойил бо'лади.

Ушбу шарҳда биз TYLTK ва оғ'из бо'шлиғ'ининг қониқарсиз гигиенаси о'ртакдаги бог'лиқликни келтириб чиқарадиган мукин бо'лган сабабларни аниқлаш ва оғ'из бо'шлиғ'и касалликларини ерта олдини олиш ва даволаш учун янги г'oyalarni таклиф қилишни мақсад қилганмиз.

**Калит со'злар:** туг'ма уқори лаб ва танглай кемтиги, кариез, профилактика.

**ПРИЧИНЫ, ЕГО ЛЕЧЕНИЕ И ПРОФИЛАКТИКА КАРИЕСА У ПАЦИЕНТОВ  
С ВРОЖДЕННЫМИ РАСЩЕЛИНАМИ ВЕРХНЕЙ ГУБЫ И НЕБА.****Авазова Шахло Нуридиновна****Ассистент Университета Альфраганус**

Аннотация. Врожденная расщелина губы и неба остается одной из важнейших проблем генетики, педиатрии, стоматологии и медицины в целом. У детей с врожденной расщелиной верхней губы и неба гигиеническое состояние полости рта неудовлетворительное. Имеются убедительные доказательства того, что плохая гигиена полости рта играет важную роль в развитии кариеса зубов и заболеваний пародонта. Анатомо-морфологические аномалии, связанные с врожденной верхней губой и расщелиной неба, способствуют накоплению зубного налета на поверхности зубов. Таким образом, пациенты с ВРВГН имеют плохую гигиену полости рта и более склонны к кариесу и пародонтиту.

В этом обзоре мы стремимся выявить возможные причины связи ВРВГН с неудовлетворительной гигиеной полости рта и предложить новые идеи для ранней профилактики и лечения заболеваний полости рта.

Ключевые слова: врожденная расщелина губы и неба, кариес, профилактика.

## CAUSES AND ITS TREATMENT AND PREVENTION OF CARIES DISEASE IN PATIENTS WITH CONGENITAL LIP AND PALATE DEFECTS (LITERATURE REVIEW).

Avazova Shakhlo Nuridinovna

Alfraganus University assistant

**Abstract.** Congenital cleft lip and palate disease remains one of the most important problems of genetics, pediatrics, dentistry and medicine in general.

In children with congenital upper lip and cleft palate, the hygienic condition of the oral cavity is not satisfactory. There is convincing evidence that poor oral hygiene plays an important role in the development of dental caries and periodontal diseases. Anatomical and morphological anomalies associated with congenital upper lip and cleft palate contribute to the accumulation of plaque on the tooth surface. Thus, patients with CLAPD have poor oral hygiene and are more prone to caries and parodontitis.

In this review, we aim to identify possible reasons for the association between CLAPD and unsatisfactory oral hygiene and to propose new ideas for early prevention and treatment of oral diseases.

**Key words:** congenital cleft lip and palate, caries, prevention.

**Dolzarbliigi.** Tug'ma yuqori lab va tanglay kemtigi - og'ir tug'ma holat bo'lib, u nafaqat mahalliy anatomik nuqson, balki nafas olish, ovqatlanish va nutq jarayonlarining birga keladigan tizimli buzilishlarining mavjudligi bilan tavsiflanadi [1].

Statistik tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, so'nggi 100 yil ichida yuqori lab yoki tanglay kemtigi bilan tug'ilgan bolalar soni 3 barobar ko'paygan. Yuz-jag' sohasining boshqa nuqsonlari orasida tug'ma yuqori lab va tanglay kemtigi bilan kasallanish 90% kuzatiladi. Statistik ma'lumotlar shuni ko'rsatdiki, tug'ma yuqori lab va tanglay kemtigining tarqalishi 1:1000 dan 5,38:1000 gacha o'zgarib turadi [2,3].

Dahlof va boshqalar, Xyuson va boshqalarga ko'ra, og'iz bo'shlig'i kemtigi bo'lgan bolalar kemtigi bo'lmagan bolalarga qaraganda 3,5 baravar ko'proq kariesga uchragan tishlarga ega bo'lib, bu ko'pincha sut tishlarida namoyon bo'ladi.

Rekonstruktiv jarrohlikdan so'ng og'iz bo'shlig'ining samarali gigienasiga xalaqit beradigan, bolalarda karies rivojlanish ehtimolini oshiradigan, masalan, qoldiq to'qimalar, chandiqlarni retraktsiyasi, tish anomaliyalari va doimiy oqmalar kabi bir qancha omillar mavjud [4].

**Tadqiqot maqsadi:** Tug'ma yuqori lab va tanglay kemtigi bo'lgan bolalarda karies kasalligining vujudga kelish sabablari va uning davosi, profilaktikasi bo'yicha adabiyot ma'lumotlarini tahlil qilish.

**Tadqiqot ob'yekti va usullari:** Tadqiqot mavjud adabiy manbalarni, shu jumladan elektron

manbalarni o'rganish orqali amalga oshirildi.

**Tadqiqot natijalari.** Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, tug'ma yuqori lab va tanglay kemtigi ayollarga qaraganda erkaklarda keng tarqalgan. O'zbekistonda tug'ma yuqori lab va tanglay kemtigi bo'lgan bolalar tug'ilishi yuqori darajada saqlanib qolmoqda: 1:745 yangi tug'ilgan chaqaloq [5].

Yuqori lab va tanglay kemtigining mavjudligi tishlarda turli muammolarni keltirib chiqarishi mumkin, masalan: tishlarning shakli, soni, o'lchamidagi o'zgarishlar, noto'g'ri joylashishi va emal rivojlanishidagi nuqsonlar va boshqalar. Yuqori lab va tanglay kemtigi bo'lgan bolalarda og'iz bo'shlig'i gigienasining yomonligi bu bemorlarda kariesning yuqori darajada tarqalishiga yordam beradi. Tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, TYLTK bo'lgan bolalarda bu nuqsoni bo'lmagan bemorlardan farqli o'laroq, sut va doimiy tishlarda karies kasalligi ko'proq kuzatiladi. Streptococcus mutans va Lactobacillus tish kariesining shakllanishi uchun muhim patogen turlardir. S.mutans odatda sut tishlar chiqmaguncha topilmaydi. Biroq, bu mikroorganizmning 2 yoshga to'lgunga qadar mavjudligi karies rivojlanishi uchun xavf omilidir. TYLTKli 2 yoshgacha bo'lgan bemorlarni o'rganganda bemorlarning 45% da S.mutans mavjudligini aniqlandi. Biroq, boshqa tadqiqotlar TYLTK bilan kasallangan bemorlar va nazorat guruhlarida o'rtasida S.mutans tarqalishida hech qanday farq topmadi. Ba'zi tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, kemtigi bo'lgan bolalarning so'lagida eng ko'p uchraydigan kariesogen mikroorganizmlar bo'lgan Streptococcus mutans, Lactobacillus i Candida albicans yuqori darajada bo'lishi mumkin. TYLTK bo'lgan bolalarda S.mutans, Lactobacilluslarning tarqalishini aniqlaydigan tadqiqotda bolalarning so'lagida 45% S.mutans, 16% Lactobacillus, tish karashlarida esa 48% S.mutans, 8% Lactobacillus aniqlangan [6,7].

Ravashde va boshqalar Candida kolonizatsiyasi nazorat guruhi bemorlariga qaraganda TYLTK bo'lgan bemorlarda yuqori ekanligini aniqladilar. Biroq, TYLTK bo'lgan bemorlarining og'iz bo'shlig'ida C.albicans kolonizatsiyasining yuqori darajasi ko'pincha protezlar yoki ortodontik apparatlarning qo'llanishi bilan bog'liq va C.albicans kolonizatsiyasi va TYLTK o'rtasidagi munosabatlar qo'shimcha tadqiqotlarni talab qiladi [8,9].

Bunday bolalarda og'iz bo'shlig'idagi gigienik muolajalar ko'plab sabablarga ko'ra samarasiz va qiyinchilik bilan kechadi, birinchi navbatda ushbu patologiyada anatomik buzilishlar, og'iz bo'shlig'ida amalga oshiriladigan ko'p bosqichli jarrohlik aralashuvlar va ko'pincha jarrohlikdan keyin himoya plastinkasi taqib yurish, uzoq muddatli ortodontik davo choralari va h.k. Ushbu patologiyada jarrohlikdan oldin amalga oshiriladigan ortodontik davo yuqori tishlarning shakli va hajmini normallashtirishni va tishlarning okklyuziyasini ta'minlaydi, bu esa tanglayning plastik jarrohligi uchun qulay shart-sharoitlarni yaratadi va tanglaydagi jarrohlik aralashuvidan keyin tish yoyi deformatsiyasining oldini oladi. Olib bo'lmaydigan apparatlar bilan ortodontik davolash jarayonida konstruktsiya elementlarida blyashka to'planadi, bu og'iz bo'shlig'ining yuqori bakterial ifloslanishiga olib keladi. Shunday qilib, breketlar o'rnatilgandan bir oy o'tgach o'tkazilgan tekshiruvda tish karashi miqdori boshlang'ich darajadan 12,5% ga oshganini ko'rsatdi [10].

Yuz-jag' sohaning tug'ma patologiyasi bo'lgan bolalar murakkab uzoq muddatli jarrohlik va ortodontik davolanishdan o'tadilar. Uning muvaffaqiyati ko'p jihatdan og'iz bo'shlig'i gigienasi holatiga va tishlarning qattiq to'qimalarining holatiga bog'liq. Tug'ma yuqori lab va tanglay kemtigi bo'lgan bolalarda og'iz bo'shlig'i gigienasiga rioya qilmaslik holatlari qayd etilgan. Og'iz bo'shlig'i gigienasi OLeary protokoli to'ldirilganda, 46,67±7,01% bolalarda tish yuzasining 60% dan ko'prog'i bo'yalganligi qayd etilgan. Tug'ma yuqori lab va tanglay kemtigi bo'lgan maktabgacha yoshdagi bolalar o'rtasida tish kariesi ko'p uchraydi. 3 yoshli bolalarning 67,5±7,81% va 6 yoshli bolalarning

100% tishlari karies bilan kasallangan. Amaliy sog'lom bolalarda bu ko'rsatkichlar pastroq va mos ravishda  $55,0 \pm 7,86\%$  va  $90,0 \pm 6,70\%$  ga teng. Tug'ma yuqori lab va tanglay kemtigi bo'lgan maktabgacha yoshdagi bolalarda tish kariesining o'rtacha intensivligi  $5,36 \pm 0,37$  va  $8,08 \pm 0,22$  ni tashkil qiladi, amalda sog'lom bolalarda bu ko'rsatkich pastroq - mos ravishda  $2,56 \pm 0,38$  va  $3,5 \pm 0,41$  ni tashkil qiladi. Ushbu patologiyaga ega bo'lgan bolalarda yuqori jag' tishlari pastki jag' tishlariga qaraganda ikki kara ko'proq zararlanadi [11].

TYLTK bo'lgan bolalarda tish kariesining klinik rivojlanish xususiyatlarini o'rganish shuni ko'rsatadiki, kariesning tarqalishi 80% dan  $98\% \pm 1\%$  gacha. Shu bilan birga, ushbu kasallikning intensivligi  $6 \pm 0,3$  dan  $7,3 \pm 0,6$  gacha [12].

Shuni ta'kidlash kerakki, karies multifaktorial kasallikdir. TYTK bilan tish kariesining tarqalishi kemtigning turiga bog'liq. Shunday qilib, tanglay kemtigning eng og'ir shakllarida (ikki tomonlama) tishlar karies kasalligi bilan 100% zararlanadi va tish kariesining intensivligi  $10,39 \pm 1,33$  gacha ko'tariladi, bir tomonlama to'liq va to'liq bo'lmagan kemtigning bilan oxirgi ko'rsatkich 5,92 dan oshmaydi [13].

M.Z.Do'stmuxamedov. tomonidan olib borilgan tadqiqotlari operatsiyadan keyingi yara jarayonining asoratlanmagan kechishi bolalarda GI o'rtacha  $2,53 \pm 0,1$  ni, asoratlari bilan esa  $3,25 \pm 0,1$  ni tashkil etishini ko'rsatdi, bu og'iz bo'shlig'i gigienasining qoniqarsiz holatidan dalolat beradi. Olib qo'yilmaydigan ortodontik protezlar elementlarining birikkan joylarida to'plangan tish karashlari uzoq vaqt davomida saqlanishi emalning o'choqli demineralizatsiyasi va parodont to'qimalarning zararlanishiga yordam beradi [14].

S.S.Murtazayevning ta'kidlashicha, 7-13 yoshli (4-5 yoshda uranoplastikadan o'tkazilgan) bolalar o'rtasida tish kariesining tarqalishi 94,2% ni, amalda sog'lom tengdoshlarida esa bu ko'rsatkich 86,3% ni tashkil qilgan. KPU + kp indeksi bo'yicha TYLTK bo'lgan bolalarda tish kariesining intensivligi  $6,38 \pm 0,54$ , KPU indeksiga ko'ra -  $6,4 \pm 0,49$ , patologiyasi bo'lmagan bir xil yoshdagi bolalarda esa KPU indeksi  $1,9 \pm 0,05$ , va KPU+kp -  $2,0 \pm 0,03$ ga teng [15].

Bo'shliqning qoniqarsiz gigienik holati karioz jarayon rivojlanishining asosiy etiologik omillaridan biridir. Katta miqdordagi tish karashlari boshqa omillar bilan bir birga tish kariesi, parodont kasalliklarning tarqalishi va intensivligi 1,5-2 baravar yuqori bo'lishiga olib keladi. TYLTK bo'lgan bolalarda so'lakning yopishqoqligi bu patologiyasi bo'lmagan bolalarga qaraganda 2,2 baravar yuqori. So'lakning yopishqoqligi oshishi bilan tish kariesining boshlanishi va rivojlanishi uchun eng qulay sharoitlar yaratiladi [16].

Og'iz bo'shlig'i va burun bo'shlig'i o'rtasida anatomik nuqson mavjudligi tishlarni va og'iz bo'shlig'ining boshqa organlarini o'z-o'zini tozalash jarayonlarining yomonlashishiga olib keladi. Tadqiqotlarga ko'ra, tug'ma yuqori lab va tanglay kemtigi bo'lgan bolalarning og'iz bo'shlig'i suyuqligida, ko'p hollarda, S.mutans va Lactobacillus nisbatlari ortdi, bu esa kariesning vujudga kelishiga to'g'ri keladi [17].

Shuni ta'kidlash kerakki, tug'ma yuqori lab va tanglay kemtigi bo'lgan bolalarda kariesga yuqori moyillik nafaqat gigiena, balki irsiy omillar bilan ham bog'liq.

TYLTK bo'lgan bemorlarni jarrohlik davolashdan oldin yoki keyin qattiq ortodontik protezlarini taqish so'lakning o'zini o'zi tozalash funktsiyasi samaradorligini pasaytiradi. Qattiq ortodontik protezlar tish karashi to'planish maydonini oshiradi va bemorlarga og'iz bo'shlig'i gigienasini yaxshi saqlanishini qiyinlashtiradi. Tish karashi tarkibi o'zgaradi, bu mikroblar populyatsiyasining ayniqsa,

kariesogen bakteriyalar *S.mutans* va *Lactobacillus* ko'payishiga olib keladi [7,8,9,17].

Van Loveren va boshqalar o'tkazgan taqqoslash tadqiqoti shuni ko'rsatdiki, erta bosqichda operatsiyadan oldingi ortopediyadan o'tgan bolalar, masalan, akril plastinkalar taqilishi, plastinkasiz bo'lgan bolalarga nisbatan *S.mutans* va *Lactobacillus*ning ilgariroq kolonizatsiya qilganini ko'rish mumkin. Va *S.mutans* darajasi yoshga qarab ortdi.

39 ta tadqiqotni jamlagan metanaliz shuni ko'rsatdiki, tish protezlari / tanglay obturatorlar va qattiq ortodontik protezlar kabi og'iz protezlari bo'yicha og'iz bo'shlig'ida *Candida* o'sishiga bevosita ta'sir qilishi mumkin. Bundan tashqari, bunday qurilmalarni kiygan bemorlar ortodontik protezlarni shikastlamalik uchun yumshoq ovqatlar iste'mol qiladilar, bu esa tishlar yuzasida oziq-ovqat zarralari to'planishiga olib keladi va kariesga moyillikni oshiradi [6,18].

Hazza'a va boshqalar tadqiqotlarida bir tomonlama TYLTK bo'lgan bemorlarga qaraganda ikki tomonlama TYLTKda bo'shliqlar ko'proq uchraydi, ikki tomonlama TYLTK bo'lgan bemorlarda faqat tish karashlari to'planishi sezilarli darajada yuqori bo'lgan degan xulosaga keldilar [16,18].

Xou va xammualliflar. 3326 nafar bemorning qarindoshlari bilan birgalikda vaziyatni nazorat qilish tadqiqotini o'tkazdilar va genetik omil tishlarning parchalanishiga ko'proq moyil bo'lgan TYLTK bilan kasallangan bolalar uchun juda muhim xavf omili ekanligini tasdiqladilar [18].

Ba'zi tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, faqat tanglay kemtigi bo'lgan bemorlar TYLTK bilan og'rigan bemorlarga nisbatan eng toza tishlarga ega edi, TYLTK bo'lgan bemorlarning qoziq tishlarida ko'proq bakterial karashlar mavjud edi. Bu fakt shuni ko'rsatadiki, jarrohlik yo'li bilan tiklangan labning elastikligini yo'qotishi, shuningdek, kemtigning anatomiyasi va biroz qo'rquv sababli barcha tishlarni tozalash imkoniyati yo'qligi tufayli optimal og'iz sog'lig'iga erishishda qiyinchiliklar mavjud. Tanglay oqmasi mavjudligi TYLTK bo'lgan bemorlarda ikkita muammoni keltirib chiqaradi, bir tomondan tishlarni yuvish uchun drenaj kanali mavjudligi: suyuqliklar burundan og'izga, boshqa tomondan, oziq-ovqat burun orqali chiqib, og'izga qaytishi mumkin. Bu karieslarni rivojlanish xavfini oshirishi mumkin, chunki kariesogen bakteriyalar og'izda uzoqroq vaqt davomida mavjud [19].

Ba'zi tanglay kemtigi bo'lgan chaqaloqlar tug'ilgandan so'ng tez muddatda intraoral vositalardan foydalanishlari mumkin. Ushbu qurilmalar akrildan tayyorlangan va 18 oygacha ishlatilishi mumkin. Qurilmalarning afzalliklari orasida ozuqaviy yordam va tanglayning o'sishi va rivojlanishi bo'yicha ko'rsatmalar mavjud [20].

Rivkin va boshqalar aniqladilar va ta'kidladilarki, an'anaviy cho'tka kemtigning gigienasi uchun samarali bo'lmasa-da, kichik tish cho'tkasini interdental cho'tka bilan birgalikda ishlatish ba'zi hollarda TYLTK bo'lgan bemorlarda og'iz bo'shlig'i gigienasini yaxshilashda samarali bo'ladi, chunki maxsus tish cho'tkasi interdental bo'shliqlarga kirishni osonlashtiradi.

Kariesni davolashning an'anaviy usullari, ayniqsa yosh bolalar tish shifokoriga jiddiy tish yemirilishi bosqichida tashrif buyurishganda, ijobiy ta'sirga erishishga imkon bermaydi. Shu bilan birga, eng samarali va amalga oshirilishi mumkin bo'lgan strategiya - bu ularni dispanser kuzatuv bosqichlarida profilaktika usullarini o'z vaqtida qo'llash imkoniyatidir [11,20].

Karlos E., Varela-Ibanez va boshqalar. – karies kasalligini quyidagi usullarda davoladilar: nekroektomiyadan so'ng bo'shliqni nurda qotuvchi kompozitlar bilan to'ldirdilar. Tishning toj qismini kompozitlar bilan tiklab bo'lmaydigan vaziyatlarda xromdan tayyorlangan qoplamalardan foydalandilar.

Ana Klara Suplisi Diogo Sbntos va boshqalar – karies kasalligini davolashda shishaionomerli sement va ftorlakni qo'lladilar.

**Xulosa.** Mualliflar ota-onalarga, ayniqsa, chaqaloq tug'ilishidan oldin onalarning ovqatlanish ratsioni, ota-onalarning stomatologik bilimini oshirish, ortodontik protezlarni tozalovchi vositalardan foydalanish, jarrohlikdan keyin tishlarni cho'tkalash, shuningdek, ayniqsa kemtig sohasida tishlarni cho'tkalash texnikasi haqida va vaqti-vaqti bilan tish shifokoriga tashrif buyurishni tavsiya qiladilar. Har 6 oyda bir marta ushbu patologiyaga ega bo'lgan bolalarni samarali dispanser kuzatuv (profilaktika choralari va og'iz bo'shlig'i gigienasi) yashash joyidagi stomatolog tomonidan amalga oshirilishi ta'minlanishi kerak.

Tish shifokori tug'ma yuqori lab va tanglay kemtigi bo'lgan bolalarning ota-onalarida, shuningdek, bolaning o'zida uy sharoitida og'iz bo'shlig'ini parvarish qilishni tashkil qilish uchun quyidagi motivatsion darajani shakllantirishi kerak: 6 oydan 2 yoshgacha bo'lgan bolalarda – sut tishlarni doka bilan artib olish; 2 yoshdan 3 yoshgacha bo'lgan bolalarda - kuniga 2 marta (ertalab va kechqurun) tish pastasisiz tishlarni yuvish; 3 yoshdan 6 yoshgacha bo'lgan bolalarda - tishlarni bolalar uchun gigienik, shuningdek, ftoridli terapevtik va profilaktik pasta bilan standart usulda yuvish.

### Adabiyotlar ro'yhati:

1. Шамсиев Р. А. Особенности течения заболеваний у детей с врожденными расщелинами верхней губы и нёба / Journal of biomedicine and practice. 2018, № 2. С. 32-36.
2. Блохина СИ, Леонов АГ, Ершова ОЮ. Специализированная диспансеризация детей с врожденной челюстно-лицевой патологией: модели и эффекты. Врожденная и наследственная патология головы, лица и шеи у детей: актуальные вопросы комплексного лечения: материалы II Всеросс. науч.-практ. конф. Москва: МГМСУ; 2009. с. 50-3.
3. Чуйкин СВ. Врожденная расщелина верхней губы и неба. М.: Медицинское информационное агенство; 2012. 592 с.
4. Vogels WEJC, Veerkamp JSJ. Dental fear in children with CLP, a prospective study. International Journal of Paediatric Dentistry. 2009;19:62.
5. Амануллаев РА. Современные данные частоты и распространенности врожденных расщелин верхней губы и неба. / Вестн. врача общей практ. Самарканд. 2004;2:27-9.
6. Arikan V, Kizilci E, Ozalp N, Ozcelik B. Effects of fixed and removable space maintainers on plaque accumulation, periodontal health, candidal and Enterococcus Faecalis carriage. Med Princ Pract. (2015) 24(4)
7. Khan I, Ahmad T, Manzoor N, Rizvi MA, Raza U, Premchandani S. Evaluating the role of local host factors in the candidal colonization of oral cavity: a review update. Natl J Maxillofac Surg. (2020) 11(2).
8. Rawashdeh MA, Ayesh JA, Darwazeh AM. Oral candidal colonization in cleft patients as a function of age, gender, surgery, type of cleft, and oral health. J Oral Maxillofac Surg. (2011) 69(4).
9. Shashni R, Goyal A, Gauba K, Utreja AK, Ray P, Jena AK. Comparison of risk indicators of dental caries in children with and without cleft lip and palate deformities. Contemp Clin Dent. (2015) 6(1):58–62.

10. Ризаев Ж. А., Шамсиев Р. А. Причины развития кариеса у детей с врожденными расщелинами губы и нёба (обзор литературы) / Вісник проблем біології і медицини. 2018 – №.2 (144) С.55-59.
11. Терехова Т.Н., Боровая М.Л. / Методы профилактики кариеса зубов у детей дошкольного возраста с врожденной расщелиной верхней губы и нёба (Методическое пособие). Республики Беларусь, 2005.
12. Гаврилова ОА, Максимова ВВ, Федотова ЕН. Особенности кариозного процесса временных зубов у детей с врожденной патологией челюстно-лицевой области. Врожденная и наследственная патология головы, лица и шеи у детей: актуальные вопросы комплексного лечения: материалы IV Всеросс. науч.-практ. конф. Москва: МГМСУ; 2012. с. 81-5.
13. Исаков ЛО. Комплексная реабилитация детей с врожденными расщелинами верхней губы, неба и профилактика их развития в Республике Саха (Якутия) [диссертация]. Иркутск; 2009. 133 с.
14. Дусмухамедов, М. З. Комплексное лечение детей с врожденной расщелиной неба, прогнозирование и профилактика послеоперационных осложнений [диссертация]. Ташкент, 2006.—256 с.
15. Муртазаев СС. Совершенствование методов профилактики кариеса зубов у детей с врожденной расщелиной губы и неба [диссертация]. Ташкент; 2008. 143 с.
16. Hazza'a AM, Rawashdeh MA, Al-Nimri K, Al Habashneh R. Dental and oral hygiene status in Jordanian children with cleft lip and palate: a comparison between unilateral and bilateral clefts. *Int J Dent Hyg.* (2011) 9(1).
17. Монгуш ЮБ. Тактика проведения профилактики основных стоматологических заболеваний у детей с врожденной расщелиной губы и неба [диссертация]. Москва; 2005. 138 с.
18. Howe BJ, Cooper ME, Wehby GL, Resick JM, Nidey NL, Valencia-Ramirez LC, et al. Dental decay phenotype in nonsyndromic orofacial clefting. *J Dent Res.* (2017) 96(10).
19. Cheng L, Moor S, Christopher T C. Predisposing Factors to Dental Caries in Children With Cleft Lip and Palate: A Review and Strategies for Early Prevention. *Cleft Palate Craniofac J* 2007; 44: 67-72.
20. Mutarai T, Ritthagol W, Hunsrisakhun J. Factors influencing early childhood caries of cleft lip and/or palate children aged 18 to 36 month in southern Thailand. *Cleft Palate Craniofac J.* 2008;45(5):468-72.



